O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 15-avgust • Shanba • 96 (30.057) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.**

## ИСТЕЪДОДЛАРНИ РУҲЛАНТИРАЁТГАН ТАНЛОВ




**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ижодий-интеллектуал салоҳияти, иқтидори ва қобилиятини тўла намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши, ҳар йили энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида санъат соҳасида изланаётган истеъдод соҳибларига нуфузли мукофотнинг тантанали топширилиши бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.**



*14 август куни пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида ушбу мукофотни унинг янги совриндорларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга санъатнинг турли йўналишларида изланаётган ёшлар, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилди.*

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини, тафаккурини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни изчил равнақ топтириш, йигит-қизларнинг иқтидори ва қобилиятини тўла намоён этиши учун яқиндан кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.*

*«Келажак овози», «Санъат ғунчалари», «Навқирон Ўзбекистон» каби кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар йигит-қизларнинг истеъдодини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, санъат йўналишлари бўйича пухта билим олишига, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга хизмат қилмоқда.*

(Давоми 2-бетда)

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

**14 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини, жумладан: "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ишида Сенат муҳокамасига киритилаётган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $185^2$-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Қурол-яроғ, ўқдори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги ва бошқа қонунлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида гуманитар соҳани жўшқин ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган қонунларни, хусусан "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунларни ҳам кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

---

***Денов туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи 2004 йилда фойдаланишга топширилганди. Уч қаватли кўркам даргоҳ барча замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Бу ерда ёшлар тўққизта ихтисослик бўйича касб сирларини ўрганишмоқда. Жорий йилда коллежнинг илк битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйишди.***

## ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

— Коллежимизни битирган 539 нафар йигит-қизнинг 75 фоизи иш билан таъминланди. Қолганлари олий ўқув юртларига ўқишга кириш истагини билдиришди, — дейди коллеж директори Шамсиддин Элбеков. — Шогирдларимизнинг малакасига кафолат берамиз. Айниқса, чевар қизларимиз ҳар қандай корхонада бемалол ишлаб кетишига ишонамиз. 2007 йилдан масканимизга Польша гранти асосида 4 миллион сўмлик тикув машиналари келтирилганди. Япония ускуналарида 300 нафарга яқин ёшлар тикувчилик сирларини ўрганишди.

Яқинда коллеж директори Шамсиддин Элбеков Германияда тажриба орттириб қайтди. «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик» 2-босқич лойиҳаси бўйича ўтказилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам талаба ёшларнинг етук инсонлар бўлиб вояга етишларига қаратилгандир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари**

## ФАОЛИЯТИМИЗГА БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон ва Навоий вилоят ташкилотлари конференцияларида бу сўзлар делегатлар томонидан қайта-қайта айтилди.**



Ҳали анжуман бошланмасидан андижонлик партиядошларнинг суҳбати қизиди.

— Электорат манфаатларига тегишли масалаларни бир зум ҳам эътибордан қочирмаслигимиз зарур, — деди ЎзХДП Избоскан туман кенгаши раиси Қумрихон Хўжаева. — Муаммолар ечимини топишга жонкуярлик қилганимиз сабаблигина ортимиздан эргашаётганлар кўплигини асло ёддан чиқармайлик.

— Дилимдагини айтдингиз, — дея гапга қўшилди ЎзХДП Қўрғонтепа туман кенгаши раиси Зулхумор Каримова. — Фаоллик, шижоат, муаммони ўз вақтида кўтариш ва тегишли идоралар олдига тўғри қўя олиш, талаб қилиш ютуқларимиз омили бўлиши мумкин.

— Эл орасида обрў-эътибор меҳнат билан бўлади, — деди партия фаоли Расулжон Мухторов. — Бизга ишонган ва биз суянган одамларнинг турмуш фаровонлиги йўлида хайрли ишларни кўпроқ қилишимиз, бу борада олдинда турган энг асосий йўналишларни ҳозир конференцияда белгилаб оламиз.

Айтилганларидан аниқки, партия фаоллари кўнглида эл ишига қайғуриш, фидойилик бор. Бу амалий ишларда кўриниши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят ташкилотининг конференциясида вилоят партия ташкилоти ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг электорат ижтимоий манфаатларидан келиб чиқиб, қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, давлат ва минтақавий дастурларни бажаришда иштирокини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларини иштироки кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан Андижон вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Муҳаммаджон Юлдашев маъруза қилди.

— Ўтган 2008 йилда вилоятда 55670 та янги иш ўрни яратилган бўлса, бу йилнинг ярмида бу кўрсаткич 42235 тани ташкил этди, — деди у. — Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги омили сифатида бандлик учун зарур шарт-шароит яратиш, меҳнат бозорини ривожлантириш партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг доимий эътиборида бўлишини тақозо этади. Ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга кўмаклашиш, фуқароларни ишга жойлаштиришда партия маҳаллий кенгашлари томонидан доимий назоратни ташкил этиш ва депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятларини янада кучайтириш зарур.



Вилоят партия ташкилотлари бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган вилоят комплекс дастурларини, бандлик дастурларини амалга оширишда ўзининг амалий ишлари билан иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ҳуқуқий ислоҳот
ИЖРО ВА ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИ 2



ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РАВНАҚ ТОПГАН ЮРТ 3



ФИДОЙИ ИНСОН 4

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ФАОЛИЯТИМИЗГА БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон ва Навоий вилоят ташкилотлари конференцияларида бу сўзлар делегатлар томонидан қайта-қайта айтилди.**

Ташкил этилган ишчи ўринларига электоратимизни жалб этиш масаласига ҳудудий партия ташкилотлар алоҳида эътибор бермоқда.

Жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларнинг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий масалаларни ташкил этмоқда. 2006-2009 йилларда унга 4537 нафар фуқаро мурожаат этган. Уларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, ҳомийлар, ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ижобий ечимини топди.

Ортда қолган йилларда ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши томонидан муайян ишлар бажарилди. Фаолиятда ютуқлар ҳам, нуқсонлар ҳам бўлди.

**Шаҳобиддин ҲАЙДАРОВ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи, партия фаоли:**

— Бошланғич партия ташкилотларини том маънода электорат билан ишлаш, уларни ташвишга солаётган масалаларни мониторинг қилиб, тегишли депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда масалани кўтарадиган салоҳиятли кучга айлантиришни бугунги куннинг ўзи талаб этмоқда. Айниқса, ҳудудий партия ташкилотлари иши жонли бўлса, натижаси, самараси яққол намоён бўлади.

Бошланғич партия ташкилотлари электоратимиз ичида. Улардаги амалий ишларнинг кўплиги, таъсири партиямизни қўллаб-қувватловчиларнинг янада кўпайишига хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Садбархон МАМИТОВА, «Маҳалла» жамғармаси Жалақудуқ тумани бўлими раиси, партия фаоли:**

— Электорат ишончини қозониш учун маҳаллаларда кўпроқ бўлишимиз керак. Одамлар оғирини енгил қилсак, шунда партиямизга бўлган ишонч мустаҳкамланади.

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррири ўринбосари, вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

— Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари катта куч. Демак, фаолиятимиздаги шижоатсизликни ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Тўғри, ҳар биримиз сайлов округларида муайян ишларни олиб бордик, сайловчилар, партиямиз электорати вакиллари билан ишладик. Улар кўтараётган бир неча масалаларни депутатлик ваколатларимиз доирасида ҳал қилишга ҳам эришдик.

Аммо, буларнинг барчаси бугун бизнинг олдимизга қўйилаётган талабларга тўла жавоб бермаслигини очиқ тан олиш керак.

Шунингдек, конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Рустам Тиллабоев, Абдуманноб Раҳимов, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ректори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ойбек Ёқубжонов, вилоят кардиология диспансери бош шифокори Алфира Набиева ва бошқалар партиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш, электорат манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ён-атрофимиздаги воқеаларга дахлдорлик масалалари ҳақида мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов иштирок этди ва сўзга чиқди.

— Фуқаролар ижтимоий кайфиятини билишда ўзига хос тузилма ҳисобланган партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозим, — деди у. — Депутатларнинг ўз сайловчилари билан олиб борадиган ишларини сифат жиҳатдан яхшилашни бугунги куннинг ўзи талаб этмоқда. Ижтимоий муаммоларнинг борлигини партия фаоллари яхши билишади. Чунки улар ҳам электорат вакиллари билан ёнма-ён яшайдилар, улар сингари ижтимоий хизматлардан фойдаланадилар. Шунинг учун улар истеъмол нархлари, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифати тўғрисидаги аҳволдан яхши хабардор. Лекин афсуски, ўтган давр мобайнида на ЎзХДП вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва на маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз Жамоатчилик қабулхоналаримизга тушган мурожаатларни таҳлил қилиб, электорат вакиллари тез-тез дуч келадиган бирор бир ижтимоий масалани ўрганиб, уни ҳал этиш ташаббуси билан чиқди.



ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гаруҳларидан ташаббус нафақат муҳим давлат қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, балки тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам жуда зарур. Вилоят партия ташкилотлари вилоят аҳолисини элект энергияси билан узлуксиз ва сифатли таъминлашга ҳамда етказиб берилган электр энергияси миқдорини ҳисобга олиш, унга ҳақ тўлашни мақбуллаштиришга қаратилган ҳукумат қарорларини бажаришда ҳам фаол иштирок этиши лозим...

Шунингдек, партия етакчиси вилоят партия ташкилотлари олдида турган яна кўплаб масалаларга эътибор қаратди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг шу куни бўлиб ўтган ташкилий пленумида Муҳаммаджон Юлдошев партия вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

●●●

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят ташкилоти конференцияси ҳам ўз-ўзини танқид, ишга холис баҳо бериш, фаолларнинг жонли таклифлари асосида ўтди.

— Биз айни пайтда нима ишларни ҳал этган, қай муваффақиятларни қўлга киритган бўлсак, улар ҳали жуда кам, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Шерали Умаров. — Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини ошириш, уларнинг ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришимиз шарт. Бундан ташқари, энг асосийси, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурларини сўзсиз амалга оширишда қандай ташаббуслар билан чиқишимиз, бу жараёндаги ўрнимизни ҳам яна бир бор белгилаб олишимиз зарур. Вилоятимиз Орололди минтақасига анча яқин. Айрим ҳудудларда сув ресурслари тақчил эканлигини эътибордан қочирмаслик зарур. Бу, айниқса, маҳаллий депутатларимиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Партия ташкилотлари маънавий, мафкуравий ишларини, жойлардаги Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини жонлантириш талаб этилмоқда. Айни кезда ҳаттоки, олис жойлардаги бошланғич партия бўғинларида ҳам энг зарур адабиётларга, ўқув қуролларига эга АРМ мавжуд. Бунга мисол қилиб Навоий тоғ металлургия комбинати, «Навоийазот» ОАЖ, «Қизилқумцемент», «Электрокимё», Машинасозлик заводларидаги марказларни кўрсатиш мумкин. Партиядан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги вакилларимизнинг электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган ташаббусларини кўпайтирмасдан туриб бизга билдирилаётган ишончни сақлаб қолишимиз қийин.

Маъруза юзасидан музокаралар анча қизғин тус олди. Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Исмоил Ортиқов, вилоят партия кенгашининг «Халқ ишончи» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Жумаев, ЎзХДП Қизилтепа туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Мақсуда Насуллаева, Хатирчи туманидаги уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежи директори Назира Тоғаева, Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Қосимов, Навоий шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова ва бошқалар депутатлик гуруҳлари, Жамоатчилик қабулхоналари, БПТ ишини кучайтириш орқали электоратимизни ташвишга солаётган масалалар ечимини топиш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни бундан-да кенгайтириш борасида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор этдилар.

Конференцияда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Шерали Умаров ЎзХДП вилоят кенгаши раислигига қайта сайланди.

**Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Хурсандбек АРАББОЕВ, Феруза ҚОДИРОВА олган суратлар.**

**Ҳуқуқий ислоҳот**

# ИЖРО ВА ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИ

Мамлакатимизда судлар ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишига алоҳида аҳамият қаратилиб, қонунчиликда бу борада улкан ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Олий Мажлис томонидан 2001 йилда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2006 йил 31 август)га асосан тизим ходимларининг сони деярли 50 фоизга кўпайтирилди. Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилди, Суд департаменти тўғрисидаги, автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни реализация қилишни тартибга солувчи Низомлар тасдиқланди, соҳа фаолиятига оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. 2007 йил 1 ноябрда эса Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва унга асосан тизимда Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси ташкил этилди, 2008 йил 1 январдан ижро йиғими ундирилиши белгиланди.

Соҳа фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш борасида киритилган таклифлар юзасидан олиб борилган қизғин муҳокамаларнинг мантиқий якуни сифатида 2009 йил 14 январда «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга асосан киритилган қуйидаги ўзгартишларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

> Халқимиз орасида «Суд қарори ижроси билан кучли» деган гап юради. Ҳақиқатан ҳам шундай. Суд қарорининг қонуний ижроси таъминланмаса, бундай қарорларнинг ҳам, суднинг ҳам обрўсига путур етади.

Ижро ҳужжатларини ижро этишда суд ижрочиларининг ички ишлар, давлат кадастри, давлат солиқ хизмати, ғазначилик, давлат чегарасини қўриқлаш органлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг ижро ҳужжатларини ижро этилишидаги вазифалари ва жавобгарлиги белгиланди. Мисол учун, давлат чегарасини қўриқлаш органлари суднинг ёки суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахсни Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаши, банк ёки бошқа кредит ташкилотларининг банк сири ҳисобланадиган маълумотларни суд ижрочисининг қонуний талабига кўра унга тақдим этиши керак.

Аввалги қонунда ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ваколати фақат судга берилган бўлса, эндиликда суд ижрочисининг ваколатлари кенгайтирилиб, айрим ҳолатларда ижро иши юритиши суд ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши мумкин. Эндиликда ундирувни нафақат қарздорга тегишли мулкларга, балки мулкий ҳуқуқларга, хусусан кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи, ер участкаларига доимий ёки умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ёки ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи ва бошқаларга ҳам қаратиш мумкинлиги қонунга киритилди.

Аввалги қонун ҳужжатларида тартибга солинмаган, бироқ амалиётда долзарб аҳамиятга эга бўлган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби $73^1$-модда, ер участкасини олиб қўйиш ва ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби $73^2$-модда сифатида киритилди.

Суд департаментининг тегишли мансабдор шахсларига қонунда кўрсатилган ишлар бўйича суриштирувчи мақоми берилди. Жиноят кодексининг 232-моддасига суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаганлик учун жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақидаги қоида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун жавобгарликни белгиловчи $198^1$, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи $198^2$-моддалар киритилди.

Ижро борасида амалга оширилган ислоҳотлар ижрочилар фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келмоқда. 2009 йил 1-чорак якунларига асосан вилоят ҳудудий бошқарма тизимидаги суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари иш юритувида жами 88 миллиард 809 миллион сўмлик 96 283 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлган бўлса (бу кўрсаткич 2008 йил 1-чорак якунларига нисбатан сон жиҳатидан 18 601 тага, сумма жиҳатидан 21 миллиард 106 миллион сўмга ортган), шундан 46 миллиард 529 миллион сўмлик 67 682 та ижро ҳужжатлари тамомланган, тугатиш комиссиясига юборилган ва иш ҳақига қаратилган ижро ҳужжатларини ташкил қилади. Бу борада вилоят кўрсаткичи сумма жиҳатидан 57,2 фоизга, сон жиҳатидан 70,4 фоизга етган (2008 йил 1-чорак якунларига нисбатан 12,8 фоизга ортган).

29 миллиард 442 миллион сўмлик 50 074 та ижро ҳужжатларининг ижроси амалда таъминланган, бу борада вилоят кўрсаткичи сумма жиҳатидан 36,2 фоизга, сон жиҳатидан 52,1 фоизга етган (2008 йил 1-чорак якунларига нисбатан 4,1 фоизга кўпайган).

Жиноят натижасида етказилган зарарларни ундириш юзасидан чиқарилган ундирувлар бўйича жами 3 миллиард 777 миллион сўмлик ижро ҳужжатлари тамомланган, тугатиш комиссиясига юборилган. Бу борада вилоят кўрсаткичи 82,3 фоизга етган (2008 йил 1-чорак якунларига нисбатан 15.3 фоизга ортган).

Шуни таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган юқоридаги каби барча саъй-ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

**Восит РАҲМОНОВ, Суд департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бош инспектори.**

# ИСТЕЪДОДЛАРНИ РУҲЛАНТИРАЁТГАН ТАНЛОВ

Иқтидор соҳибларига қанот бераётган, уларни юксак марралар сари илҳомлантираётган ана шундай танловлар орасида «Ниҳол» мукофоти учун ўтказилаётган ижодий беллашув муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари томонидан таъсис этилган ушбу мукофот ўзининг ёрқин ва бетакрор истеъдоди, изланиши билан санъат оламига кириб келаётган қобилиятли ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш, миллий санъатимизни янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур мукофотга талабгор ёшлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани «Ниҳол»нинг нуфузи йилдан-йил юксалаётганидан далолатдир. Танловнинг жорий йилдаги саралаш босқичларида 8 мингдан зиёд ёш ижрочи иштирок этди.

Ушбу мукофот учун ўтказилган танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати йўналишларида уч босқичда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъдодларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида, ғоят қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ниҳол» мукофотига лойиқ топилган йигит-қизлар келгусида ўз йўналишларида санъатнинг янги чўққиларини эгаллаб, билдирилган юксак ишончни оқлаётгани қувонарлидир. Ўтган вақт мобайнида «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган Гулсанам Мамазоитова, Самандар Ҳамроқулов, Илҳом Фармонов каби ёшлар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланди, Гулзода Худойназарова «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ғолиб чиқди. Комил Мусаев, Фазлиддин Ҳусанов, Беҳзод Абдураимов каби ёш ижрочилар, Ўзбекистон Республикаси Ўсмирлар симфоник оркестри жамоаси эса Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия каби давлатларда мусиқа бўйича ўтказилган халқаро танловларда муваффақият қозонди.

2009 йилда «Ниҳол» мукофотига эстрада йўналиши бўйича – Шуҳрат Мавлонов (Бухоро вилояти), Суҳроб Кенжаев (Навоий вилояти), Дилдора Қурбонова (Самарқанд вилояти), Нигина Набиева, Ҳожимурод Бекжонов (Тошкент шаҳри), Мирижод Миркомилов (Тошкент вилояти), Шаҳризода Аҳмедова (Фарғона вилояти), Хуршида Жўраева (Қашқадарё вилояти), Ғайрат Бекчанов (Қорақалпоғистон Республикаси), опера йўналиши бўйича — Умид Исроилов (Фарғона вилояти), мусиқа ижрочилиги бўйича – Фазлиддин Шафоатов (Сурхондарё вилояти), мумтоз қўшиқчилик йўналиши бўйича – Адолат Қўлдошева (Андижон вилояти), Райҳона Жуманиёзова (Хоразм вилояти), рақс йўналиши бўйича Гулбар Абипова (Қорақалпоғистон Республикаси) сазовор бўлди.

— Юртимизда ёш истеъдод соҳибларига бўлган эътибор ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёти, фаолияти, ижодида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори, Нукус давлат педагогика институти талабаси Гулбар Абипова. — Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор бизни янги ижодий марралар сари руҳлантиради. Бундай эътиборга муносиб бўлмоғимиз, билдирилган юксак ишончга санъат соҳасида янги-янги изланиш ва ютуқларимиз билан жавоб бериш бурчимиздир.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ҚУРИЛМА СИНОВДАН ЎТДИ

**Диққат, янгилик!**

**Йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва муҳим аҳамиятга молик объектларда содир бўладиган ёнғинларни бартараф этишга мўлжалланган кўпикли ёнғин ўчириш қурилмаси ихтиро қилинди.**

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Дилшод Пўлатов муаллифлигида яратилган «УПГ-4000» деб номланган мазкур қурилма нефть ва газни қайта ишлаш корхоналаридаги 10 минг ва 20 минг кубометр ҳажмдаги нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарларда содир бўладиган ёнғинларни ўчиришга мўлжалланган.

Давлат патент идорасининг тегишли патенти билан тасдиқланган ушбу ихтиро қурилмаларни ёнғин чиққанда зудлик билан ҳаракатга келтириш, бошқарув хавфсизлигини таъминлаш, кўпикни тўғридан-тўғри ёнғин ўчоғига йўналтириш, нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган идишларда ёнғинни қисқа фурсатда ўчириш имконини беради.

Металл конструкцияси зилзилага, шамол ва қор босимига чидамли, ҳар қандай об-ҳаво шароитида фойдаланиш мумкин бўлган мазкур қурилма «Шўртаннефтгаз» корхонасида муваффаққиятли синовдан ўтказилди. Йирик ёнилғи сақлаш сиғимларида ўрнатилган одатдаги қурилмалар нефтдан олинадиган ёнувчи суюқликлар таъсирида емирилиб, тез ишдан чиқиб қолар эди. Янги қурилма бундай камчиликлардан холидир.

**А.МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири.**

**Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига**

Истиқлол халқимизга қадим маданиятимиз, диний қадриятларимизни қайтарди. Ўтган йиллар давомида ислом маданияти юртимизда ўз қадрини топди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Мустақиллик йилларида қанчадан-қанча юртдошларимиз ҳаж сафарига боришга мушарраф бўлдилар. Мамлакатимиздаги ислом обидалари ободлик бахш этилди. Истиқлол байрами олдидан бу шукуҳ халқимизнинг кўнглидан тоза ният бўлиб кўчаяпти. Шу қутлуғ кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ билан суҳбатлашдик.



# ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РАВНАҚ ТОПГАН ЮРТ

— Истиқлол Ислом маданиятига мансуб бўлган минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Ўтмиш аждодларимиздан қолган тарихий меросимиз қайта тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган Ислом дини таълимотларидан элимиз яна баҳраманд бўла бошлади. Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда.

Асрлар давомида бутун дунёга алломаи замонларни етиштириб берган, диний ва дунёвий илм соҳаларида етук олимларни тарбиялаган мадрасалар эшигига шўро даврида қулф осилди, билим масканлари турли цехларга айлантирилди. Халқнинг асрий анъаналарига путур етказилиб, фарзандларнинг ота-боболаридан қолган китобларни, илмий меросини ўрганиши ушалмас армон эди.

Истиқлол шарофати билан юртдошларимиз эмин-эркин, яратилган қулай шароитда ва бевосита давлат кўмаги остида Ҳаж ибодатини адо этиш бахтига муяссар бўлдилар. Ўтган йиллар мобайнида ҳукуматимиз томонидан ҳаж зиёратига борувчиларга мунтазам ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Ҳар йили 5 минг нафардан зиёд фуқароларимиз эмин-эркин энг қулай шароитларда Ҳаж сафарига бориб, Ислом динининг бешинчи арконини адо этиб қайтмоқдалар.

Кейинги йилларда амалга оширилган қувончбахш воқеалардан яна бири Ислом дини ривожига муносиб улуш қўшган буюк алломалар хотирасини абадийлаштириш борасидаги хайрли ишлардир. Ўтган қисқа вақт ичида кўплаб буюк алломаларнинг таваллуд саналари тантанали тарзда нишонланди. Уларнинг хоки поклари мангу қўним топган гўшалар обод этилиб, мўътабар зиёратгоҳларга айлантирилди.

**— Муфтий ҳазратлари, жоиз бўлса, диний таълим масканлари хусусида гапириб берсангиз.**

— Истиқлол илм масканлари эшикларини ёшларга очиб берди. Собиқ тузум даврида фақатгина 2 та мадраса — Тошкент ислом институти ва Бухорода «Мир Араб» мадрасасигина фаолият юритиб келар эди. Юрт истиқлоли туфайли эришган, Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Бугунги кунда нуфузли университетимиз, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтидан ташқари унга яқин ўрта махсус ислом билим юртларида ушбу соҳада ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар берилади. Бугун ушбу диний таълим масканларида таҳсил олган талабалар юртимизнинг масжидларида имом-хатиблик қилиб, ватандошларимизнинг диний маърифатини оширишда, уларга Ислом динининг асл моҳиятини етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шунинг баробарида, харобага айланиб қолган масжидлар қайта тикланиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг қонун доирасида фаолият юритиши таъминланди. Шўро даврида юртимизда саксонга яқин масжид фаолият юритган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони икки мингдан ошиб кетди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси республикадаги мусулмонларни бирлаштириб турувчи, уларга маънавий раҳбарлик ва ҳомийлик қилувчи, катта нуфузга эга бўлган расмий диний ташкилотдир.

Мустақиллик йилларида мазкур нуфузли ташкилотнинг фаолият кўлами янада кенгайди. Буни эришилган қуйидаги ютуқларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Истиқлол йилларида дин аҳли эришган улкан ютуқлар, ҳукуматимиз томонидан мўмин-мусулмонларга яратиб берилган диний эркинликлар ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида имом-хатиблар олиб бораётган ибратли ишларни намойиш этиш билан бирга, диёримизда фаолият кўрсатаётган масжид имом-хатибларининг билим даражасини аниқлаш мақсадида ҳар йили «Энг намунали имом» кўрик-танлови жорий этилди. Замон талаби ҳар бир имом-хатибни ижтимоий ҳаётда фаол бўлиб, дунёвий билимлар, турли воқеа-ҳодисалардан боҳабар бўлишини тақозо этмоқда.

Шунингдек, жойларда ҳозирги кунда имом хатибларимиз маҳалла нозири ҳамкорлигида иш олиб борилиши натижасида, оилаларимиз тинчлиги, фаровонлиги ва маҳалла-кўй ободлиги таъминланмоқда.

Ҳар йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан диний таълим муассасалари талабалари ўртасида қорилар мусобақасини ўтказиш анъанага айланган. Унда ғолибликни қўлга киритган ёш қориларимиз дунё миқёсида ўтазиладиган халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиб, юқори нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим муассасаларида дарс бериш жараёни ва сифатини яхшилаш ҳамда ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида мударрислар ўртасида «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, диний таълим муассасалари вакиллари талабалар ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тошкентга 2007 йилда АЙСЕСКО ташкилоти томонидан Ислом маданиятининг пойтахти мақомининг берилиши ҳукуматимизнинг ислом маданияти ва маънавиятини юксалтириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларининг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишидир.

Ислом маданияти зоҳирий ва ботиний кўринишларга эга. Зоҳирий деганда, масжиду мадрасалар, маросим ва турли тадбирлар тушунилса, ботиний маданияти деганда, ҳар бир мусулмоннинг имон-эътиқоди, дунёқараши, хулқ атвори ва ўзгалар билан бўладиган муомаласи каби маъноларни англаймиз.

Зоҳирий маданиятда ҳам, ботиний маданиятда ҳам бизнинг диёримиз доимо пешқадам бўлиб келган. Бунинг исботи сифатида Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Фарғона, Тошкент ва бошқа вилоят, шаҳар ва туманларда мағрур қад кўтариб турган ислом обидаларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг шарқона шаклу безаклари, нақшу битиклари ва улуғвор ҳашамати, мана, асрлар давомида дунёни лол қолдириб келмоқда. Мустақиллик шароитида ушбу анъаналар қайтадан ҳаётга қайтмоқда, бундан-да муҳими — уларни давом эттира оладиган янги авлод дунёга келмоқда.

Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан тубдан қайта таъмирланган Бухородаги Масжиди калон, Самарқанддаги Шоҳи зинда, Қаршидаги Кўк гумбаз ва янгидан бунёд этилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби буюк алломаларимизнинг мақбараларини зиёрат қилиниши алломаларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром белгиси деб биламиз.

Истиқлол неъмати боис, алҳамдулиллоҳ, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янгича чирой очмоқда. Қад ростлаётган замонавий иншоотлар, обод этилаётган зиёратгоҳлар юртимиз гўзаллигига гўзаллик ва файз бахш этмоқда.

**— Муҳтарам муфтий, айни кунларда пойтахтимизнинг 2200 йиллигига улкан тараддуд кўриляпти. Ҳазрати Имом мажмуи маданий мерос ва бетакрор тарихий обидадир. Шу ҳақда фикрлашсак.**

— Дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳларнинг диққат марказида турган пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуи ўзининг кўрку таровати билан ҳар қандай инсонни ҳайратга солади, десак, асло муболаға бўлмайди. Маълумки, халқимиз маънавий меросининг муҳим қисми бўлган бу муборак қадамжонинг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олинган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу мажмуада қисқа фурсат ичида кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ердаги барча обидалар таъмирдан чиқарилди. Бароқхон мадрасаси, Тилла Шайх масжиди асл тароватини сақлаган ҳолда обод этилди. Шунингдек, мажмуа марказида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси қад ростлади.

Муҳтарам Юртбошимиз қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида бўлган чоғларида, мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, кутубхона ишини такомиллаштириш юзасидан қимматли тавсиялар бердилар. Мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаси — Ҳазрати Усмон Мусҳафининг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратдилар. Бу ердаги ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини уқтирдилар.

Мажмуада қўш гумбазли, икки минорали муаззам янги масжид қад ростлади. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки Марказий Осиёдаги энг йирик масжиддир.

Аллоҳ таолонинг иноятти билан ҳазрати Имом масжиди биносининг қурилиши ниҳоясига етказилиб мўмин мусулмонлар унда ибодат қилмоқдалар. Бу давлатимизнинг диний эътиқод масаласидаги сиёсати нечоғли холис ва давомли эканини яна бир карра кўрсатиб берди. Ушбу масжиднинг қурилишига озми, кўпми ўз ҳиссасини қўшган инсонларнинг барчасига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Зеро, Қуръони каримда айтилганидек, **«Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни мукаммал ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққанлар обод қилурлар. Айнан ўшалар ҳидоят топувчилардан бўлишлари мумкин» (Тавба, 18).**

Ислом маданиятининг нозик бир кўринишлари борки, улар билан бизнинг халқимиз алоҳида фахрланса арзийди. Бу эл-улусимизга хос бўлган меҳмоннавозлик, камтарлик, андиша, ўзаро иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб кетган. Халқимиздаги бу каби хусусиятларни хорижий мамлакатлардан юртимизга ташриф буюриб, меҳмон бўлиб келган дин ва давлат арбоблари эътироф этмоқда, Ислом маданияти равнақ топган юрт сифатида Ўзбекистонимизни улуғламоқда.

Аллоҳ таоло осмонимизни тинч, юртимиз фаровонлиги, элимиз тинчлигини янада зиёда қилсин.

**Суҳбатдош:**
**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




Афғонистоннинг собиқ президенти Бурҳониддин Раббонийга толибон жангарилари томонидан суиқасд уюштирилди. «Reuters» АА маълум қилишича, жангарилар Раббоний кетаётган кортежга қуролли ҳужум уюштиришган, ҳатто гранаталар улоқтиришган.

## Суиқасд уюштиришди, аммо...
### ўзлари қурбон бўлишди



Аммо Раббоний ҳам, унинг қўриқчилари ҳам жабр кўришмади. Аксинча, полиция ва Раббоний қўриқчилари томонидан жангариларнинг бир нечтаси, арикроғи, уч нафари отиб ўлдирилди. Мазкур суиқасд учун жавобгарликни «Толибон» гуруҳи ўз бўйнига олди.

Кейинги пайтларда, яъни 20 августда бўлиб ўтадиган президент сайлови яқинлашгани сари толибонлар қаршилиги фаоллашиб бормоқда. Уларнинг мақсади нима қилиб бўлса-да, сайловни барбод қилиш.

Маълумки, Б. Раббоний 1993-2001 йилларда мамлакатни бошқарган. Ҳозирги кунда у парламент аъзоси. У амалдаги президент ва иккинчи муддатга номзод Ҳамид Карзайнинг жиддий номзод рақибларидан бири бўлмиш Абдулла Абдулланинг ашаддий тарафдори.

## Фавқулодда ҳолат
### эълон қилинди

Бу йил ёз мавсуми ўта қурғоқчил келгани боис Қабордин-Болқорда куни кеча фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Июнь ойидан бери давом этаётган қурғоқчилик натижасида 12,7 минг гектар майдондаги лалми ва кузги экинзорлар нобуд бўлди. Кўрилган зарар 120 миллион рублдан ортиб кетди.

Айнан шундай офат Челябинск областида ҳам кузатилмоқда. Августнинг ўзида областнинг 9 та туманида фавқулодда ҳолат жорий этилди. 243 минг гектар майдондаги экинзор қуриб битди.

Дон ҳосили ўтган йилгидан 600 минг тонна кам бўлиши мумкин. Умумий кўрилган зарар 3 миллиард рублнинг нари-берисига бориб қолди.



Ҳозир барча кучлар озуқа экинлари етиштиришга қаратилган. Бунинг учун область бюджетидан 320 миллион рубль миқдорида маблағ ажратилди.

## Туялар қирғини учун
### 6 миллион доллар

Австралияда туялар сон жиҳатдан жуда кўпайиб кетди. Бу эса қишлоқ хўжалигига катта зиён етказмоқда.



Шунинг учун мамлакат ҳукумати унинг сонини отиш йўли билан мутаносиблаштириш таклифини илгари сурди. Аммо жонзотларни ҳимоя қилиш ташкилоти вакиллари бу таклифга қарши чиқмоқдалар. Кам сонли шимолий ва шарқий ҳудудлар аҳолиси эса ҳукуматнинг бу таклифини қўллаб-қувватламоқда.

«BBC» хабар беришича, туялар қирғини учун ҳукумат 16 миллион доллар миқдорида маблағ ажратмоқда.

Маълумки, кенгуру ва коала айиғидан фарқли ўлароқ туя Австралиянинг «типик» ҳайвони эмас. Бу ўлкага туялар илк бор XIX асрнинг ўрталарида саҳро ва чўлларда сайёҳлар ҳаракатини йўлга қўйиш учун четдан олиб келинган. Туялар шунчалар кўпаювчан эканки, бугунги кунда уларнинг сони 1 миллиондан ортиб кетди. Ҳозир ҳар 20 одамга 1 та туя тўғри келмоқда. Яна 10 йилдан кейин эса бу рақам икки баравар кўпайиши мумкин.

## Мактаблар ва кинотеатрлар
### вақтинча ёпилди

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри маъмурияти A/H1N1 вируси ҳудудда кенг тарқалаётгани боис мактабларни бир ҳафтага, кинотеатрларни эса уч кунга ёпди.

Ваҳоланки, Ҳиндистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўқув даргоҳларини ёпмасликни тавсия этган эди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон жарроҳлари ассоциацияси президенти шаҳар маъмуриятининг мактаб ва кинотеатрларни ёпиш тўғрисидаги қарорини танқид остига олди. Унинг айтишича, вирус уч кун ёки бир ҳафтада йўқолиб кетмайди.

Ҳиндистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, дейилади «Bloomberg» нашри ахборотида, мамлакатда A/H1N1 гриппидан илк бор ўлим 3 август куни қайд этилган бўлса, бугунги кунда бу рақам 19 тага етди. Уларнинг 11 таси Махараштра штатига, 3 таси эса шу штатдаги Мумбай шаҳри зиммасига тўғри келади.

«Интерфакс» АА хабар қилишича, Россияда мактаблар ёпилмайди. Маориф вазири Андрей Фурсенко бу ҳақда маълум қилди.

Россия бош санитар врачи Геннадий Онишченконинг огоҳлантиришича, қачонки эпидемик вазият ўта қалтислашса, янги ўқув йилини бошлаш санаси кечроққа сурилиши мумкин. Бош вазир ўринбосари Виктор Зубков ҳозир эпидемик вазият барқарор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Европа Иттифоқининг соғлиқни сақлаш бўйича қўмитаси ҳам Европа Иттифоқи ҳудудида мактабларни ёпиш ва сайёҳлар



ташрифини тақиқлашни ноўрин, деб топди. Европа Иттифоқининг ички ҳудудида одамлар ҳаракатини тақиқлаш қонунчиликка тўғри келмаслиги таъкидланди.

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар эпидемик вазиятдан келиб чиқиб иш тутиши алоҳида уқтирилди.

Бугун ЕИга аъзо айрим давлатларда эпидемик аҳвол анча жиддий. Буюк Британия, Испания, Бельгия, Ирландия, Венгрия, Францияда янги гриппдан нобуд бўлганлар сони 55 кишига етди.

## «БИНОКОР ҒИШТ СЕРВИС» БУНЁДКОРЛИГИ

Қизилтепалик Аброржон Аслонов тумандаги халқ банкига бизнес режа билан мурожаат қилиб, 25 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит олди. Қисқа вақт мобайнида кераклиасбоб-ускуна, замонавий линия харид қилиб, пишиқ ғишт ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти ташкил этди. Айни кезда 10 нафар киши меҳнат қилаётган бу корхонада ҳар куни ўртача ўн минг дона сифатли қурилишбоп пишиқ ғишт ишлаб чиқарилаяпти.

— Бунёдкорликнинг қувончи ҳам, завқи ҳам ўзгача, — дейди Аброржон Аслонов. — Фойдаланишга топширилаётган бири биридан кўркам маданий-маиший биноларда корхонамиз ишчилари ишлаб чиқарган қурилиш материаллари борлигини кўриб, ич-ичдан қувонасан киши. Ниятимиз келажакда корхонани бундан-да кенгайтириб, яна ўн нафар қизилтепаликни доимий иш ўринлари билан таъминлаш.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Янгиариқ туманидаги «Ғиштттаъминот» корхонаси икки йил олдин иш бошлаганди. Зарур қурилиш ашёси ишлаб чиқарадиган корхонага илғор технологиялар ўрнатилгач, бу ерда ҳар ойда ярим миллион дона сифатли ғишт ишлаб чиқариш имкони яратилди.**

## МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА ЧИҚМОҚДА

Ўтган ойдан бошлаб корхона маҳсулоти Қозоғистонга ҳам жўнатила бошланди. Корхонада 45 киши муқим иш билан таъминланган. Яқин кунларда яна бир ғишт пиширадиган печ ишга туширилади ва яна йигирма киши иш билан таъминланади.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Qishloq Qurilish Bank**

**Ҳамюртларимизга яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами муносабати билан қуйидаги миллий ва хорижий валютада юқори фоизли янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:**

*«Тошкент-2200» — маблағлар 45 кун муддатга қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорида устама ҳисобланади.*

*«Мустақиллик» — маблағлар 1 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорида устама ҳисобланади.*

*«Сумбула» — маблағлар 2 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 28% миқдорида устама ҳисобланади. Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.*

*«Элита» маблағлар АҚШ долларда 3 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 7% миқдорида устама ҳисобланади. Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.*

*Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.*

**Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17. www.qishloqqurilishbank.uz Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

## Замондошларимиз

# ФИДОЙИ УСТОЗ

Яқинда Арнасой туманига йўлим тушиб, ўқитувчилик касбини ардоқлаб, фидокорона меҳнати билан обрў-эътибор қозонган Нурмуҳаммад Чаққонов билан ҳамсуҳбат бўлдим. Устозлик масъулияти ҳақидаги суҳбатимиз, табиийки, мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга уланиб кетди.



— Кўп йиллардан бери бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келаман, — деди у. — Кечагидек ёдимда, 1979 йили Жиззах давлат педагогика институтининг педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетини тамомлаб, туманимиздаги 1-мактабга ишга келганимда бошланғич синфни беришди. Қийналсам ҳам бир йил астойдил ишладим. Иккинчи йил юқори синфлардан дарс соатлари беришларини сўрадим. Бироз уларга дарс бериб кўрдим. Лекин ўз ўқувчиларимни соғина бошладим. Яна ўз ўрнимга қайтдим. Шу-шу, бошланғич синфларга дарс бериб келаман.

Ўша пайтдаги мактабимизнинг кўриниши ҳамон кўз олдимда. Томи лойсувоқ бир бино, поли йўқ, қишда совуқ, баҳор-кузда иссиқ синф хоналар. Давлат томонидан ажратилган кўмир қаҳратон қишнинг ҳатто ярмига ҳам етиб-етмасдан тугаб қолар, ўқувчилар совуқдан жунжикиб, қалин устки кийимларини ечмасдан ўтирарди. Биз ўқитувчилар доскага ёзмоқчи бўлсак, қўлларимиз музлаб қолай дерди. Бирор-бир фанга ихтисослаштирилган махсус хоналар тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Ҳа-я, баъзан кимё фанидан бисотимиздаги икки-уч дона пробирка, колба билан лаборатория машғулотлари ўтказиларди. Жисмоний тарбия дарслари, хўжа кўрсинга, ажриқ босган майдонда копток тепиш билан ўтиб кетарди. Малакали ўқитувчиларнинг етишмаслигидан ҳар биримиз икки, ҳатто уч-тўрт фандан дарс беришимизга тўғри келарди. Касб-ҳунар билим юртини тамомлаганларнинг ўқувчиларга тарихдан ё бошқа фандан сабоқ бериши одатий ҳол бўлиб кўринарди.

Бугун-чи? Ўтган йили тўлиқ реконструкциядан чиқарилган мактабимизнинг қўш қаватли, кўркам биноси кўзларни қувонтиради. Шинам синф хоналари, махсус лаборатория ва муҳташам спорт зали энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган. Замонавий компьютер ва ахборот-ресурс марказлари ҳам ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Илгаригидек печка, кўмир демаймиз. Ўзимизнинг иситиш тармоғимиз бор. Даргоҳимизда ёш мутахассис кадрлар ҳам талайгина. Буларнинг бари, мен сизга айтсам, мустақиллигимиз берган неъматдир.

**Шу ўринда ўқитувчининг ҳаётдаги ўрни, унинг мавқеи илгари қандай бўлгани, бугун қанақа эканлиги, таълим тизимида меҳнат қилаётганларга яратилаётган шарт-шароит ва берилаётган имтиёзлар ҳақида устознинг фикрлари билан қизикдим.**

— Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, — дея сўз бошлади Нурмуҳаммад ака. — Ўқитувчилик том маънодаги зиёли инсонларнинг касбидир. Шундай бўлгач, у аввало, ўз оиласида, маҳалласида, қишлоғида янгиликларни тарғиб этувчи, илғор фикрли, қадриятларимизни асраб-ардоқловчи, юксак маънавият ва маърифат эгаси, ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган тарбиячи, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим. Тўғри, биз иш бошлаган даврларда ҳам муаллимга зиёли, маърифатли киши сифатида қаралларди. Лекин олган маоши, топган-тутгани рўзғорига етмаганидан кейин нима қилсин? Бечора ўқитувчи ярим кун амал-тақал қилиб дарс берарди-да, куннинг иккинчи ярмида рўзғорини бутлаш учун ўзини ўт-чўққа урарди. Бу энг мўътабар касб эгаси бўлмиш ўқитувчиларнинг обрўсига ҳам, машғулотлар сифатига ҳам салбий таъсир ўтказмасдан қолмасди. Бугунги кун ўқитувчиси эса бутунлай бошқа одам. Аввало, у яхши мутахассис, малакали кадр. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдираётган юксак ишончи, эътибори туфайли бу соҳага билимдон ёшларнинг жалб этилиши эса айни муддао бўлаяпти. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ўқитувчилик бугун юртимизда энг ҳурматли, энг обрўли касбга айланган. Ҳукуматимиз томонидан бу касб эгаларининг меҳнати мунтазам равишда рағбатлантирилиб, маошлари оширилаяпти, турли хил имтиёзлар бериш ҳақидаги қарорлар, фармонлар қабул қилинаяпти. Ҳар йили муаллим-устозларнинг катта гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланаяпти. Шулар қатори 2007 йил каминага ҳам иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени топширилди. Буларнинг бари ўқитувчи-устозларнинг қадр-қиммати, обрў-эътибори баландлигидан далолат эмасми?! Юртбошимизнинг биз — ўқитувчиларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, билдираётган юксак ишончи қалбимизни фахр-ифтихор, чексиз ғурур ҳисларига тўлдиради.

**Ҳаяжон билан сўзлаётган устоз, шундай ғамхўрликларга, берилаётган имтиёзларга жавобан ўқитувчилар қандай ишлаши кераклигига алоҳида тўхталди:**

— Мамлакатимиз келажаги кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг бугунги меҳнати, изланувчанлигига боғлиқ. Шу боис биз янада яхшироқ, янада самаралироқ ишлашимиз, изланишимиз лозим. Шуни юракдан ҳис қилсак, ўйлайманки, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлодни вояга етказамиз.

Устоз-муаллим Нурмуҳаммад Чаққонов билан хайрлашар эканман, юртимизда у кишига ўхшаш ўқитувчиликдай олижаноб касбга фидойи, бурчига садоқатли, қалбида Ватан меҳри жўш урган устозларимиз кўп эканлигидан ғурурландим. Шундай ўз касбига фидойи устозларимиз бор экан, юртимизда баркамол авлодлар вояга етаверади, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратда: Нурмуҳаммад Чаққонов.**
**Доногул Жўраева олган сурат.**

## Ёз — ўтмоқда соз



*Болаларнинг ёзги таътил кунлари ҳар йилгидан ҳам мароқли ўтмоқда. Айниқса, шаҳримизда жойлашган оромгоҳларда дам олаётган ўқувчиларнинг қувончи чексиз. Негаки, уларнинг ҳар бир куни таассуротларга бой. Улар вақти-вақти билан кинотеатрларда янги фильмларни томоша қилмоқда. Ҳаммасидан ҳам Темурийлар тарихи давлат музейи ва ҳайвонот боғига сафарлари унутилмас бўлди. Паркларда каруселларда учдилар, тоза сув ҳавзаларида чўмилиб чиниқдилар.*

# ТАЪТИЛНИНГ ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРИ



Ҳа, биз ҳикоя қилаётган бу оромгоҳ пойтахтимизда жойлашган «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси қошидаги тиббий ижтимоий марказдир. Бу оромгоҳ, мана, бир неча йилдирки, хайрли ишга қўл урди. Ҳозирда бу ерда шаҳримиздаги кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандлари дам олишади.

— Жорий йилда Юнусобод, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманидан 250 га яқин бола бу ерда дам олди, — дейди «Соғлом авлод учун» оромгоҳи директори, ушбу марказ раҳбари Ҳотамжон Ризаев. — Биз аввало, ишни болаларни тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлаймиз. Унда шаҳар болалар диагностикаси марказининг мутахассислари билан ҳамкорликда ЭКГ, ультратовуш ташхис текшируви, офтальмолог, лор, лаборатория анализлари аниқланади. Шунинг натижаларига қараб ҳар бир бола учун дам олиши жараёнида алоҳида муолажа белгиланади.

— Мен Шайхонтоҳур туманидаги «Лабзак» маҳалласидан келдим, — дейди Мафтуна Ғофурова. — Бу оромгоҳда ҳамма шарт-шароит бор. Шунинг учун ҳар йили бу ерда дам олишни ёқтираман. Биз спорт, расм чизиш, жилвали тикиш каби турли хил тўгаракларда қатнашаяпмиз. Айниқса, сафарларимиз сермазмун бўлмоқда.

— Соғлом танда соғ ақл, деб бежизга айтмаганлар, — дейди дам олаётган болалардан бири Абдуллоҳ Норматов. —Умумий амалиёт шифокори Насиба Ғаффорова «Йод танқислиги нималарга олиб келади?», «Гигиена қоидаларига риоя этиш — саломатлигимиз гарови» мавзуларида мароқли суҳбатлар ўтказди. Биз яхши дам олиш билан бирга, саломатлигимизни аввало, ўзимиз асрашимиз зарурлигини уқиб олдик.

**Умида МАНСУРОВА**
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7876 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.45
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

## Қинғир иш

# КАССАГА ЭМАС, КИССАГА...

**Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес фаолиятига эркинлик беришдан мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий юксалишни таъминлашдан иборат. Бироқ айрим тадбиркорлар бу эркинликни суиистеъмол қилиб шахсий манфаат, мўмай даромад олишда турли қинғир йўллардан фойдаланишади.**

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган хусусий тадбиркор Ф.Шариповга тегишли Бухоро шаҳар О.Эшонов кўчаси, 3-уйда жойлашган «Фернандо» меҳмонхонаси ертўласидаги тозаланган сув ишлаб чиқариш цехи фаолияти текширилди. Цех бошлиғи Ў.Ражабов харидор Ж.Ҳакимовга ҳар бир донаси 900 сўмдан 1750 дона «Fiala sweet Water» ичимлик сувини пуллаб, харидорга харид чеки бермаган. Кассага эмас, киссага кирим қилишга ўрганган Ў.Ражабов фуқаролар Д.Каримова, С.Собирова, У.Раҳмонова сингари бир неча харидорларга ичимлик сувини нақд пулга сотсада, савдодан тушган 3 миллион 497 минг 580 сўм пулни назорат-касса машинасидан ўтказмасдан савдо қоидаларини бузади.

Бундан ташқари, Ў.Ражабов цехда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида электр ва сув тармоқларига ноқонуний уланиб, электр тармоқлари идорасига 1 миллион 854 минг 500 сўмлик, сувоқова бошқармасига 1 миллион 905 минг 500 сўм миқдорда зарар етказган.

Ўзи хон, кўланкаси майдон тадбиркор 2007-2008 йиллар ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 3 миллион 600 минг сўмлик даромад солиғи ва пенсия бадалини тўлашдан ҳам қасддан бўйин товлаб келган экан. Лекин ҳар қандай қинғир ишнинг охири вой бўлади, қонунсиз ҳаракат эртами-кечми қонуний баҳосини олади. Шахсий манфаатини кўзлаб, ғайриқонуний фаолият олиб борган Ф.Шарипов ҳамда Ў.Ражабовлар ҳам қонун олдида жавоб берадилар.

**Ғафур РАҲМОНОВ,**
**Баҳодир НУРУЛЛАЕВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаменти Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари.**

## Газетада босилмади, аммо...

### ҚАРОВСИЗ ЖОЙДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ҚУРИЛАДИ

**Қумқўрғон тумани, «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг маҳалла ҳудуди қаровсизлиги ҳақида таҳририятга ёзган шикоят хати туман ҳокимлигига йўлланган эди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

*«Аризани ўрганиш жараёнида «Дўстлик» маҳалласидаги кўп қаватли турар жой биноларидан 6-уйнинг орқа томонига аҳоли томонидан тўкилаётган чиқиндилар ўз вақтида олинмаётганлиги ва бунинг оқибатида экологик ҳолат бузилаётганлиги аниқланди. Ҳозирги кунда мазкур чиқиндилар тўлиқ тозаланди. Чиқинди тўкиладиган жой бошқа жойга кўчирилиб, ер майдонини болалар спорт майдончасига айлантириш чоралари кўрилмоқда.*

*Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш ва қайта такрорланмаслик юзасидан маҳалла раиси ва тегишли ташкилотларга керакли кўрсатмалар ҳамда топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.*

**Қумқўрғон тумани ҳокими**
**Ж. МАМАТМЎМИНОВ»**

### ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг шаҳар ичидан оқиб ўтувчи канал чиқиндиларга тўлгани, баъзи кўчалар қаровсиз экани, айрим маҳаллаларда эса ичимлик суви муаммоси борлиги ҳақида таҳририятимизга ёзган шикоят хати туман ҳокимлигига йўлланган эди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

«Аризада баён қилинганидек, каналнинг чиқиндилардан тозалаш юзасидан туман коммунал ҳизматдан фойдаланиш бўлими ва Марказий маҳалла фуқаролар йиғинига топшириқ берилиб, канал чиқиндилардан тозаланди ҳамда ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли ўртасида каналга чиқинди чиқариб ташланишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тош майдалаш фабрикасидан қум, шағал ташувчи юк автомобиллари Чирчиқ кўчасидан қатнаши натижасида автомобиль йўли яроқсиз ҳолга келган бўлиб, Марказий маҳалла фуқаролар йиғини раисига фабрикадан Чирчиқ кўчасига кираверишқисмини кавлаб ташлаш чорасини кўриш топшириғи берилиб, туман йўл бошқармаси томонидан мазкур йўлни 2010 йил таъмирлаш режасига киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда юк автомобилларининг шаҳар ташқарисидаги йўллардан фойдаланилиши йўлга қўйилган.

Тумандаги «Ғазалкент нур» корхонаси томонидан туман Электр тармоқлари корхонаси олдидаги мавжуд қарзлари тўлаб берилди ва бугунги кунда кўчаларнинг ёритилиши йўлга қўйилган.

Ғазалкент тошга ишлов бериш корхонаси ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, корхона тўла қувват билан ишга тушгандан сўнг унинг балансидаги эски клуб биносини таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Ушбу ҳудудда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида магистрал қувурлардаги носозликларни бартараф қилиш туман «Сувоқова» ИЧШК раҳбарига юклатилди.

Тумандаги транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар томонидан Мармар шаҳарчаси ва Бўстонлиқ деҳқон бозори оралиғидаги йўналишда микроавтобуслар қатновини йўлга қўйиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

**Бўстонлиқ тумани ҳокими Б.СУЛТОНОВ»**

## Божхона бекати

**Хориждан келтирилаётган автоуловларни мамлакатимизга олиб киришнинг ўз тартиби мавжуд. Мазкур қоидаларга риоя қилиш эса автоуловларнинг мамлакатимиз ҳудудидаги эркин ва хавфсиз ҳаракатига ўзига хос кафолат вазифасини бажаради. Аммо ушбу тартибларга бўйсунмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш ҳоллари учраб туради.**

# «НОРЕЗИДЕНТ» АВТОМОБИЛЛАР

Наманганлик божхоначилар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Учқўрғон туманида ана шундай қонунбузарликдан бирининг олдини олди. Шу туманда истиқомат қилувчи А.Турсунов «Ваз-2107» автомобилидан автоуловга тегишли бўлмаган давлат белгисини таққан ҳолда фойдаланиб келаётган экан. Маълум бўлишича, қиймати 8 млн. сўмдан кўпроққа баҳоланган автомобиль қўшни давлатдан айланма йўллар орқали юртимиз ҳудудига олиб кирилган.

Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам ҳамкорликдаги тадбирлардан бирида қўрғонтепалик Р.Абдужалиловнинг ноқонуний ҳаракатига нуқта қўйди. Қонунбузар қўшни давлатдан 12 млн. сўмга сотиб олган «Daewoo Liganza» автомобилини айланма йўллар орқали яширинча олиб киришга уринган.

Оққўрғонлик Б.Рисбоев қўшни давлатдан сотиб олинган «Tico» русумли автоуловига «бегона» давлат белгисини таққан ҳолда бошқариб юрган эди. Қонунбузарнинг тумандоши З.Боймирзаев ҳам қўшнилардан сотиб олинган «Daewoo Cielo» русумли автомобилни худди шу тартибда юртимизга олиб киришга уринди. Аммо бундан ўзи панд еди, холос!

Қонун-қоидага амал қилмаганлар юқоридаги қонунбузарлар каби, панд еб, юзи шувут бўлади.

**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан 2007 йил 1 майда рўйхатга олинган «Stronex» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**